



E Conference World

International Conference on Interdisciplinary Studies and Scientific Research

Hosted online from Nottingham, UK

Date: 30th December, 2023

Website: <https://econferenceworld.org/index.php/ecw/index>

СИНФДАН ТАШКАРИ ИШЛАРНИНГ ПЕДАГОГИК-

ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ

С.Ж.Юлдашев

ҚДПИ Махсус педагогика кафедраси уқитувчиси

Давлатова М.,

Солижонова Г.,

Мухаммадова Ж.,

Абдукодирова Г.

ҚДПИ Махсус педагогика таълим йуналиши талабалари

Анотатсия

Ушбу макола уқувчилар синфдан ташқари ишларни ўрганишда замонавий (дидактика) ўқиш жараёнида ўқувчилар психологик фаолияти билан шугулланувчи таълим психологияси ютуқларидан фойдаланади. Ўқув материали ёш ва мазмунга боғлиқ ҳолда бу фаолиятнинг ўзига хослиги таълим жараёни психологик қонуниятлари хақида фикр юритади.

Калит сузлар: Метод ,тамоил, таҳлил, синфдан ташқари ишлар.

Синфдан ташқари ишларда ўқувчиларнинг индивидуал ва типик хусусиятларини кўриб чиқади. Ўзлаштириш жараёнида таҳлилий-синтетик фаолият, шунингдек қиёслаш, мавҳумлаштириш, умумлаштириш ва аниқлаштириш каби фикрий операциялар муҳим рол ўйнайди.



E Conference World

International Conference on Interdisciplinary Studies and Scientific Research

Hosted online from Nottingham, UK

Date: 30th December, 2023

Website: <https://econferenceworld.org/index.php/ecw/index>

Таҳлил - бу, билиш предметини қисмларга фикран бўлишдир.

Синтез - алоҳида элементлар ёки қисмларни бир бутунга фикран бирлаштиришдир.

Жумладан, битта ўнлик ва иккита birlikдан иборат сон неча деб аталади деган ўқитувчининг саволига жавоб бериб, ўқувчилар синтездан фойдаланади (Ўн ва иккита бир 12 сонини ташкил этади); 25 сонидан неча ўқликлар ва birlikлар бор деган саволга жавоб бериб, ўқувчилар сонлар таҳлилин амалга оширади. Бу синфдан ташқри ишлар жараёнида ўқув материалларни такрорлаш ўқувчилар билимини мустаҳкамлашга олиб келади.

Таниқли психологлар (Н.А.Менчинская, Д.Н.Богоявленский, М.Г.Давлетшин, Э.Ғозиев, Ғ.Шоумаров ва бошқалар) ўқувчилар таҳлилий - синтетик фаолиятининг умумий қонуниятларини тадбиқ этиб, шуни кўрсатдиларки, таълимнинг бошланғич босқичида таҳлил синтездан ортада қолади ёки, аксинча, олдин келади, моҳият кўринишини қамраб олмайди. Бунинг натижасида умумлаштириш ҳам тўлақонли бўлмайди, номухим, тасодифий белгиларга асосланади. Бошланғич синф ўқувчилари кўпинча аҳамиятли белгилар сифатида ташқи, тасодифий, энг ёрқинларини ажратишади.

Таълим босқичларининг мураккаблашиб бориши билан ўқувчилар таҳлилий - синтетик даражасининг ошиши кузатилади. Таҳлил секин-аста кўрғазмали - амалийдан (объектларни фикран билиш, мазкур объектлар билан амалий ҳаракатлар жараёнида амалга оширилаётганда) кўрғазмали образли (билиш кўрғазмали образлар ёрдамида амалга оширилаётганда) ва сўзли - мантиқийга (билиш мавҳум тушунча ва мулоҳазалар шаклида амалга



E Conference World

International Conference on Interdisciplinary Studies and Scientific Research

Hosted online from Nottingham, UK

Date: 30th December, 2023

Website: <https://econferenceworld.org/index.php/ecw/index>

оширилганда) томон ривожланади. Синтез, шунингдек, анча тўлиқ ва кўп томонлама бўлади.

Қиёслаш - бу, ўхшашликлар (умумий хусусиятларни ажратиш) ва тафовутларни (ҳар бир қиёсланаётган объектларнинг ўзига хос хусусиятларини ажратиш) улар ўртасида топиш мақсадида билиш объектларини қиёслаш. Бу операция бошқа барча асосий фикрий операциялар асосига ётади. Бошлангич мактаб курси қиёслаш - сонларни, ифода ва сонларни, икки ифодани, масалаларни ва бошқаларни қиёслаш, ундан фойдаланиш учун кенг имкониятлар очади.

Умумлаштириш - ўрганилаётган объектдан умумий, муҳимни ва мавҳумдан номуҳимни ажратишдир.

Етакчи психологлар томонидан умумлаштиришни шакллантиришга оид қуйидаги қоида ишлаб чиқилган: ўқувчиларда тўқри умумлашмаларни шакллантиришнинг зарурий қоидаси муҳимнинг доимийлигида тушунча, хусусият ва далилларнинг номуҳим белгиларини ўзгартиришдир. Бу қоида тасаввур ва тушунчаларни шакллантиришда ўта муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, ўқувчиларга тўғри тўртбурчак ҳақида тасаввур бериш учун (1 синф) бу тушунча учун номуҳим бўлган белгиларни: ранги (турли рангдаги тўқри тўртбурчакларни олиш) у тайёрланган материали, текисликдаги ҳолати, томонлари узунлигининг нисбатини ўзгартириш керак. Барча муҳим белгиларни ўзгартирмай қолдириш зарур: барча бурчакларни тўқри ва карама-қарши томонларни ҳар хил қилиб қолдириш керак. Ҳамма холларда номаълум ҳарф X (икс, номуҳим белги) билан белгилаш шунга олиб келадики, $a + 2 = 7$ кўринишидаги ифода тенглама ҳисобланмайди: бу ҳолда



E Conference World

International Conference on Interdisciplinary Studies and Scientific Research

Hosted online from Nottingham, UK

Date: 30th December, 2023

Website: <https://econferenceworld.org/index.php/ecw/index>

тўғри умумлашмани шакллантириш тенгламада лотин алифбосидаги турли харфлар билан номаълумни белгилашга ёрдам беради.

Умумлаштиришлар қабул қилиш билан боқлиқ бўлган оддий шакллардан илмий умумлаштирмаларга қадар ривожланади. Умумлашмалар тўқрилиги ва уни ўқувчилар эгаллашининг мезони бўлиб ўзлаштирилган операцияларни кўчириб ўтказиш, яъни улардан янги шароитларда фойдаланиш хизмат этади.

Замонавий дидактика ва психология мана шу кўчириб ўтказиш муаммосига катта эътибор беради.

Умумлаштириш мавхумлаштириш билиш объектидан бир хусусиятини чиқариб ташлаш ва бошқасини ажратиб олишдан иборат фикрий операция билан яқин алоқададир, бу хусусиятлар ўрганилаётган предмет ва ҳодисалар моҳиятига киришга имкон беради. Жумладан, ўқувчиларда "учбурчак" тушунчасини шакллантиришда томонлари ва бурчакларининг нисбий ўлчовлари, текисликдаги ҳолати ва бошқа шу каби белгилар чиқариб ташланади, фақат биттаси - учта бурчакли мазкур типдаги геометрик фигуралар мавжудлиги ажратиб олинади.

Таълим жараёнида аниқлаштириш икки шаклда: ҳиссий кўргазмали воситалар (предметлар, расмлар, чизмалар ва бошқалар) ва сўзли - мавхум шакл (ҳикоя, тушунтириш, махсус топшириқларни ҳал этиш) ёрдамида амалга оширилади.

Мактабнинг муҳим масалаларидан бири ўқувчиларга ақлий фаолият усуллари ёрдамида таълим беришдир. Ақлий фаолият усулларига фикрий операция усуллари - умумлаштириш, мавхумлаштириш ва бошқалар киради. Хусусийдан умумийга умумлаштириш усули (индуктив йўл билан),



E Conference World

International Conference on Interdisciplinary Studies and Scientific Research

Hosted online from Nottingham, UK

Date: 30th December, 2023

Website: <https://econferenceworld.org/index.php/ecw/index>

масалан, қуйидаги амаллар тартибида акс этиши мумкин: а) топширилган предметларни солиштириш; б) уларнинг ҳар бири учун умумий бўлган барча белгиларни ажратиш ва номини айтиш; в) предметларни ушбу белгиларга кўра бирлаштириш. Умумлаштиришни дедуктив йўл билан амалга оширилган ҳолатда (умумийдан хусусийга) ўқувчилар тушунчани, айтишлик тўқри тўрт бурчакни олдиндан билиб топширилган геометрик фигуралардан уни танлаб олиши ва умумий белгиларини айтиши лозим. Янги топшириқларни ҳал этишга онгли равишда кўчириб ўтказиш ақлий фаолият усулини ўзлаштирганлик кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади.

Ақлий фаолият усуллари ўқув ишлари усуллари билан узвий боқлиқдир. Ўқув ишлари усуллари муайян амаллар, кўрсатмалар, тавсиялар, қоида ва ҳоказолар тартиби кўринишида ифодаланади. Уларнинг масаласи - муайян масалаларни ҳал этишда ўқувчилар ташаббусини бўқмай, умумий йўналиш беришдадир.

Таълим жараёнида ўқувчиларнинг ақлий ривожланиши, уларнинг фаол ва мустақиллиги, ижодий ёндашув кўп жиҳатдан ўқувчиларнинг ўқув ишлари ва ақлий фаолият усуллари эгаллашга боқлиқ.

Гносеология (билиш фалсафаси) билишни инсон онгида объектив дунёни фаол акс эттириш жараёни сифатида кўриб чиқади. Билишда объектив мавжуд бўлган ҳодисалар, жараёнлар, сабаб ва қонуният алоқалари олами ўз аксини топади. Билиш инсон объектив ва субъектив онгининг акс этишидир. Гносеологик нуқтаи назардан билиш ҳис этиш ва қабул қилишдан бошланади, унинг асосида тасаввур ва тушунчалар шаклланади.

Хулоса килиб айтганда ҳис этиш - бу анчагина оддий ва айни пайтда билишда муҳим психологик жараёндир, унинг моҳияти атроф-муҳитдаги



E Conference World

International Conference on Interdisciplinary Studies and Scientific Research

Hosted online from Nottingham, UK

Date: 30th December, 2023

Website: <https://econferenceworld.org/index.php/ecw/index>

предмет ва ҳодисалар айрим хусусиятларини ҳиссиёт органларига таъсири натижасида киши миясида акс этишидан иборатдир. Ҳис этиш инсон ҳиссиёти органларига таъсир этувчи предмет ва ҳодисалар "нусхаси" бўлиб, ҳис этаётган шахснинг индивидуал хусусиятларига боғлиқ, шундай қилиб объектив оламнинг субъектив образидир.

Агар фақат ҳиссий (сенсор) хусусият ташувчи дастлабки босқичда тўхтаб қолганда билиш ўта жўн бўлар эди, чунки бунда предметлар моҳиятига етилмайди. Ҳодисаларнинг моҳиятга томон чуқурлашиб бориши аниқ қабул қилишдан мавҳум тафаккурга ўтиш билан боқлиқ, бунинг натижасида ички ўзаро алоқа ва қонуниятлар ўрнатилади ва очилади. Бундай ўтиш тушунчалар ҳосил қилиш йўли билан амалга оширилади. Ўқувчиларнинг синфдан ташқари ишлар босқичида (тушунчалар ҳосил қилиш босқичида) бир томонлама бўлади. У атроф борлиқнинг муайян томонларини ўқув предметлари (она тили, математика ва бошқалар) мазмуни орқали ўрганади. Агар аниқ ҳиссий билишда бола онгида образли манзара, масалан, ўрмон, шилдираб оқаётган сойлар, қанот қоқаётган капалак гавдаланса, мавҳум билиш тушунча, қоида, исбот-далиллар билан амалга оширилади. Онгда сон, тушунча, формулалар гавдаланади. Бошлангич мактаб ўқувчиси аниқдан мавҳум томон билишнинг ўтиш босқичида бўлади. У тафаккурнинг тушунчавий шаклларини эгаллай бошлайди.

Адабиётлар:

1. Sabirovna, Shermatova Yaqutxon. "KUYISHDA BIRINCHI TIBBIY YORDAM KO'RSATISH ASOSLARI." *ILMIY TADQIQOTLAR VA JAMIYAT MUAMMOLARI* 1.2 (2023): 12-17.



E Conference World

International Conference on Interdisciplinary Studies and Scientific Research

Hosted online from Nottingham, UK

Date: 30th December, 2023

Website: <https://econferenceworld.org/index.php/ecw/index>

2. Yokutkhon, Shermatova. "HEALTHY LIFESTYLE." *INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH* ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429 11.12 (2022): 254-259.
3. Shahnigor, Rakhimova Khurshidakhon Sadikovna Khomidova. "FORMATION OF KNOWLEDGE, SKILLS AND COMPETENCES IN THE PROCESS OF TRAINING CHILDREN WITH HEARING DEFECTS TO WORK." *Confrencea* 3.03 (2023): 188-192.
4. Sadikovna, Rakhimova Khurshidakhon. "COCHLEAR IMPLANTATION: AN INNOVATION IN THE DEVELOPMENT OF TECHNOLOGY, MEDICINE, DEAF PEDAGOGY AND SPEECH THERAPY." *Open Access Repository* 4.2 (2023): 321-330.
5. Sadikovna, Rakhimova Khurshidakhon, and Rustamova Feruzabanu. "CONTRIBUTION OF CHARLES MIKHAIL EPE TO THE EDUCATION OF DEAF CHILDREN." *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal* 11.3 (2023): 563-566.
6. O'ghiloy, Rakhimova Khurshidakhon Sadikovna Kurbanuva. "CHILDREN WITH LOCAL MOVEMENT DEFECTS." *Confrencea* 3.03 (2023): 226-230.
7. Raximova, Xurshidaxon. "NATIONAL AND FOREIGN ADVANCED TRENDS IN HIGHER EDUCATION EFFICIENCY IMPROVEMENT." *JOURNAL OF NORTHEASTERN UNIVERSITY* (2022).
8. Sadikovna, PhD Rakhimova Khurshidakhan, and Nabiyeva Umidakhan. "ORGANIZING SOCIAL WORK ACTIVITIES OF STUDENTS WITH HEARING PROBLEMS." (2023).



E Conference World

International Conference on Interdisciplinary Studies and Scientific Research

Hosted online from Nottingham, UK

Date: 30th December, 2023

Website: <https://econferenceworld.org/index.php/ecw/index>

9. Sadikovna, PhD Rakhimova Khurshidakhan, and Odilova Rislig'oy. "PROBLEMS OF PREPARING HIGH SCHOOL STUDENTS WITH HEARING DEFECTS FOR FAMILY LIFE." (2023).
10. Sadikovna, PhD Rakhimova Khurshidakhan, and Sharafuddinova Zuhra. "FORMATION OF MATHEMATICAL CONCEPTS OF CHILDREN WITH HEARING DEFECT USING INNOVATIVE TECHNOLOGIES." (2023).
11. Komiljon, Raximova Xurshidaxon Sadikovna Sattarova Kamola. "PEDAGOGICAL AND EDUCATIONAL SYSTEM OF EDWARD SEGEN IN SPECIAL PEDAGOGY." *Confrencea* 3.03 (2023): 63-67.
12. Sadikovna, Rakhimova Khurshidakhan. "CORRECTIONAL AND PEDAGOGICAL WORK SYSTEM OF AUDITORY-SPEECH REHABILITATION OF CHILDREN WITH COCHLEAR IMPLANTS." *International Journal of Early Childhood Special Education* 14.6 (2022).
13. Tavakkaljan, Meliboyev. "THE IMPORTANCE OF THE FOUNDATIONS OF MEDICAL KNOWLEDGE AND ITS DIRECTIONS." *Science Promotion* 1.1 (2023): 82-87.,
14. Turgunovich, Meliboyev Tavakkal. "ISSUES OF STRENGTHENING THE REPRODUCTIVE HEALTH OF THE POPULATION." *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal* 11.10 (2023): 52-56.
15. Meliboyev, Tavakkal. "OF HEREDITY IN THE FORMATION OF A HEALTHY AND SICK ORGANISM." *Models and methods in modern science* 2.11 (2023): 56-59.



E Conference World

International Conference on Interdisciplinary Studies and Scientific Research

Hosted online from Nottingham, UK

Date: 30th December, 2023

Website: <https://econferenceworld.org/index.php/ecw/index>

16. Sabirovna, Shermatova Yaqtixon. "HARAKAT-TAYANCH APPARATINING MEXANIK SHIKASTLANISHLARI." *ILMIY TADQIQOTLAR VA JAMIYAT MUAMMOLARI* 1.2 (2023): 18-22.
17. Ilxomovna, Raximova Muniraxon. "The role of logorhythmic in working with children with hearing impairments." *Asian Journal of Multidimensional Research* 11.12 (2022): 30-34.
18. Ilhomovna, Rahimova Muniraxon, and Erkinova Sarvinoz. "Modern Methods Of Pedagogical Examination Of Children With Hearing Impairments." *European Scholar Journal* 2.10 (2021): 118-119.
19. Raximova, Muniraxon Ilxomovna. "THE ROLE OF LOGORHYTHMIC IN WORKING WITH CHILDREN WITH HEARING IMPAIRMENTS." *Asian Journal of Multidimensional Research*.
20. Ibragimovna, Turg'unboyeva Zulxumor. "ZAIF ESHITUVCHI O'QUVCHILARNI NUTQIY SIFATLARINING RIVOJLANISH XUSUSIYATLARI." *Science Promotion* 1.2 (2023): 131-138.
21. Minavvarovna, Umarova Saboxon. "BASIC PATHOLOGY OF CHILDREN'S BRAIN." *Journal of Science-Innovative Research in Uzbekistan* 1.6 (2023): 271-276.
22. Minavvarovna, Umarova Saboxon. "THE MAIN TYPES OF HUMAN WORK AND THEIR IMPACT ON THE HUMAN BODY." *Journal of new century innovations* 20.4 (2023): 74-78.
23. Umarova, S. M., and M. F. Raxmonalievayeva. "THE IMPACT OF MENTAL DISORDERS ON CHILDREN'S HEALTH." *Евразийский журнал академических исследований* 2.5 (2022): 528-531.



E Conference World

International Conference on Interdisciplinary Studies and Scientific Research

Hosted online from Nottingham, UK

Date: 30th December, 2023

Website: <https://econferenceworld.org/index.php/ecw/index>

24. Haydarov, Islomjon. "PRACTICAL EXERCISES IN THE CLASSROOM OF SCIENCE LESSONS IN A SCHOOL FOR CHILDREN WITH HEARING IMPAIRMENT." *Models and methods in modern science* 2.11 (2023): 123-125.
25. Hatamjon o'g'li, Haydarov Islomjon. "EDUCATION OF STUDENTS WITH HEARING DEFECTS THROUGH SCIENCE LESSONS DEVELOPMENT OF SPEECH AND THINKING." *Open Access Repository* 4.3 (2023): 837-844.
26. Sobirkhanovna, Makhmudova Madinakhan. "PECULIARITIES OF WORKING WITH CHILDREN WITH MENTALLY RELATED IN THE CONDITIONS OF INCLUSIVE EDUCATION." (2023).
27. Madinakhan, Makhmudova, and Abdukhakimova Zumradkhan. "WAYS OF FORMING THE READINESS OF CHILDREN WITH UNDERDEVELOPED SPEECH FOR WRITTEN SPEECH." (2023).
28. Madinakhan, Makhmudova, and Abduvahobova Irodakhan. "PECULIARITIES IN THE DEVELOPMENT OF PRESCHOOL CHILDREN WITH MENTAL RETARDATION." (2023).
29. Feruza, Teshabaeva, Mahmudova Madina, and Yuldasheva Dilbar. "The essence of inclusive education in developed countries." *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences* Vol 8.1 (2020).
30. Sobirkhanovna, Makhmudova Madinakhan, and Akhmedova Vazirakhan. "EFFECTIVE ORGANIZATION OF CORRECTIONAL-LOGOPEDIC WORK IN CHILDREN WITH CEREBRAL PALSY." *Open Access Repository* 4.3 (2023): 134-141.



E Conference World

International Conference on Interdisciplinary Studies and Scientific Research

Hosted online from Nottingham, UK

Date: 30th December, 2023

Website: <https://econferenceworld.org/index.php/ecw/index>

31. Teshaboeva, Feruza Raximovna. "Literacy education of speech impaired children as a pedagogical psychological problem." *Confrencea* 5.05 (2023): 299-302.
32. Shukhratovich, Makhmudov Khurshid, and Tahirova Mahliyo. "Ways To Increase The Vocabulary Of Mentally Retarded Children Of Preschool Age Based On Plot Role-Playing Games." *International Journal of Early Childhood Special Education* 15.2 (2023).
33. Shukhratovich, Makhmudov Khurshid, and Isodullayeva Iqboloy. "PHYSIOLOGICAL FOUNDATIONS OF SPEECH ACTIVITY." *Open Access Repository* 4.3 (2023): 765-771.
34. Махмудова, Мадинахон Махмудов Хуршид. "Мактабгача тарбия ёшидаги болаларни ёзиш ва ўқиш кўникмаларини эгаллашга тайёрлаш." *Confrencea* 4.04 (2023): 187-192.
35. Эркабоева, Нигора, et al. "Педагогик маҳорат: схема ва расмларда." *Т.: "Наврўз"* (2012).
36. Erkaboeva, N., et al. "Pedagogical skills: in diagrams and pictures: Methodical manual." *Tashkent: TDPU named after Nizami* 14 (2012).
37. Эркабоева, Нигора Шерматовна. "ОСОБЕННОСТИ СОВРЕМЕННЫХ УЗБЕКСКИХ СЕМЕЙ." *Ученый XXI века* 4-1 (2016).
38. Khayitov L. R., Komilov O. TECHNOLOGIES FOR GROWING SPEECH OF MENTALLY RETARDED CHILDREN OF PRESCHOOL AGE //Science Promotion. – 2023. – Т. 1. – №. 1. – С. 32-35.
39. Feruza, Teshabaeva, Mahmudova Madina, and Yuldasheva Dilbar. "The essence of inclusive education in developed countries." *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences* Vol 8.1 (2020).



E Conference World

International Conference on Interdisciplinary Studies and Scientific Research

Hosted online from Nottingham, UK

Date: 30th December, 2023

Website: <https://econferenceworld.org/index.php/ecw/index>

40. Rakhimovna, Teshaboeva Feruza. "Teaching subjects in higher education on the basis of innovative technologies." *Science Promotion* 1.2 (2023): 98-104.
41. Teshaboeva, Feruza Raximovna. "Literacy education of speech impaired children as a pedagogical psychological problem." *Confrencea* 5.05 (2023): 299-302.
42. Feruza, Teshaboyeva. "INKLYUZIV TA'LIMNING O'ZBEKISTONDAGI RIVOJLANISHI." *QO 'QON UNIVERSITETI XABARNOMASI* (2023): 546-548.
43. Rahimovma, Teshaboeva Feruza, and Usmonjonova Saodatkhan Mirzakhamdamovna. "WAYS TO IMPROVE SPEECH ABILITIES OF CHILDREN WITH INTELLECTUAL DISABILITIES." (2023).
44. Rakhimovna, Teshaboeva Feruza, and Sadiqova Munavvarkhan. "PECULIARITIES OF THINKING OF CHILDREN WITH SPEECH DEFECTS." (2023).
45. Sodiqovna, Rakhimova Khurshidahon. "Use Of Innovative Technologies In The Formation Of Speech Skills In Children With Hearing Disabilities." *Euro-Asia Conferences*. Vol. 1. No. 1. 2021.